



«Хатм» тугатиш, якунлаш деган маънони билдиради. «Хатми Куръон» деганда Куръони Каримни бошдан-оёк тўлик ўқиб чиқиш тушунилади. Бирорта сура ёки оят ташлаб кетилса, том маънода хатм ҳисобланмайди. Шунингдек, Куръонни ўзи нозил бўлган тилда – араб тилида ўқиб чиқилгандагина, хатми Куръон қилган ҳисобланади,

таржима ё тафсирини ўқиб чиқиш, гарчи буюк ажру савобларга эга амал бўлса-да, хатми Куръон саналмайди. Чунки Куръоннинг маъноси ҳам, лафзи ҳам Аллох таолодан. Уни бошқа тилга ўгирилганда маъноси ифода топса ҳам, лафзи ўзгаради, бузилади ва Куръонлиги йўқолади.

Хатми Куръон қилиш суннат амалдир. Хар бир мусулмон Куръонни хатм қила олиш билимига эга бўлиши шарт. Уламоларимиз айтадиларки, мусулмон киши Куръонни узоги билан қирк кунда ёки бир ойда бир марта хатм қилиши керак, хатм муддати бундан ўтиб кетса, макрух иш қилган бўлади, макрух амалнинг гуноҳи бўйнига тушади.

Куръони Каримни умуман ўқимаслик, уни беэътибор ташлаб қўйиш энг катта гуноҳлардан бўлиб, у «Куръонни хажр» қилиш дейилади. Бу гуноҳдан омонда бўлиш учун Куръонни хатм қилиб туриш керак бўлади.

Аллох таоло Фурқон сурасида шундай марҳамат қилади:

«Яна Расул: «Эй Роббим, албатта, менинг кавмим ушбу Куръонни хажр этдилар», деди» (30 оят).

«Хажр» бир нарсани тарк этиш, бепарво ташлаб кўйиш, юз ўгириш, яккалаш маъноларини англатади. Оятнинг зохирий маъносида мушрикларнинг Куръонга кулок тутмай, ундан юз ўгирганлари назарда тутилган бўлса-да, унинг мазмунини кироат имомлари кенгрок тушунишади. Айрим уламолар бундай дейди: «Куръонни хажр килиш беш хил бўлади:

1. Уни тинглашни ва ўқишни ташлаш;
2. Унга амал килишни ташлаш, халол харом хакидаги ҳукмларига эътибор бермаслик;
3. Эътикод ва амалда уни хакам килмаслик;
4. Уни тадаббур килишга, фахмлашга кунт килмаслик;
5. Калбий ва жисмоний касалликларда ундан даво изламаслик.

Ушбу хажр турларининг барчаси мазкур оят остига киради, гарчи уларнинг бирининг гунохи бошқасиникидан енгилрок бўлса ҳам. Хажрнинг кейинги тўрт тури Куръони Каримнинг маъноларини тушунишга ҳаракат килишни ҳам такозо этади.

Ханафий мазхабининг мўътабар манбаларидан бири бўлмиш «Фатовои хиндия» номли асарда: «Ким Куръонни йилда бир марта хатм килиб турса, Куръонни хажр килган бўлмайди», дейилган.

«Куръонни хатм килиш» деганда Куръонни тўлик ўқиб чиқиш тушунилади. Куръонни бир четдан тўлик эшитиб чиккан киши хам хатм килганлик савобига эга бўлса-да, уни хатм килди, дейилмайди.